

## Канаданинг Airdrie шаҳрида масжид қуриш учун ер сотиб олинди



10:30 / 26.12.2019 2185

Канаданинг Алберта штатидаги Airdrie шаҳрида мусулмонлар биринчи масжид қуриш учун ер сотиб олдилар. Бу ҳақда cbc га таяниб, iqna нашри хабар беради.

Ҳозиргача бу ерда истиқомат қилувчи мусулмонлар маҳаллий черковларда ва ижарага олинган жойларда ибодат қилиб келишмоқда. Улар сотиб олган ер майдонида иккита бино бор ва масжид қуриб битгунга қадар шу ерда ибодат қилишлари мумкин. Иккита бино бузилиб, ўрнига гумбазли ва минорали масжид қурилиши режалаштирилган.

Ислом Кенгаши асосчиси Эрдри Сей ед Сохрешварди «Шаҳар мусулмонлари учун ушбу масжиднинг қурилиши тарихий воқеадир», дея таъкидлади.

«Биз шаҳарнинг барча аҳолисини, шу жумладан мусулмонлар ва бошқа дин вакилларини қутлаймиз. Келгусида бу ерда динлараро музокаралар ўтказиш ниятидамиз», дейди маҳаллий мусулмонлардан бири Мона Шахзод.

***Islom.uz* портали таҳририяти**